



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 13 июль, шанба

• №55 (11.443)

• Эркин нарҳда сотилади

Вилоят ҳокимлигида ИЖТИМОЙ МАЖМУА ЙИФИЛИШИ

Вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар бўйича котибиятининг 2002 йилнинг биринчи ярми яқунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижтимоий масалалар бўйича котибиятга қарашли бўлим ва бошқармалар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари А.Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда 2002 йилнинг биринчи ярми давомида вилоятда ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг бориши, тармоқларда эришилган ютуқлар, айти пайтда ишга тўсиқ бўлган муаммолар, уларни бартараф этиш борасида мавжуд имкониятларнинг ишга солинмаётганлиги ҳақида сўз борди.

Айниқса, кейинги пайтларда вилоят халқ таълими, ўрта-маҳсус касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида кўплаб муаммолар вужудга келаётганлиги, шунингдек, маданият, спорт соҳаларида, маънавият-маърифат, жамоат ташкилотлари фаолиятида муайян камчиликлар мавжуд эканлиги, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, пайсалга солинаётганлиги ҳам тўхталинди.



ЎЗБЕКНИНГ ҒАЛЛАСИ

Дала-қир бағридан ошиб, хирмонлар киргоғидан тошиб, захматқаш деҳқонлар калбини фахр-ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда

Бир дон дон... Эл-юрт ризқининг кўз илғамас бир увоғи бўлган ана шу мўъжизакор зарранинг қудрати ҳақида бугун истаган ўзбек деҳқонидан сўрасангиз, соатлаб изоҳ бера олади. Зеро, бугунги ўзбек деҳқони нафақат тажрибали пахтакор, балки, уста ғаллакорга ҳам айланди. Эндиликда фидойи деҳқон кўлига тушган бир дон дон эрта кузда замин бағрига қадалиб, то қишгача 10-12тадан туп қўйиб, келаси йил ёз аввалида эса, ҳар бири залворли олтин бошоқларга айланмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида бор йўғи 221минг гектар ерда дон етиштирган республикамиз деҳқонлари бу йилга келиб, ғалла майдонларини қарийб беш баробар кенгайтдилар. Энг муҳими эса, ҳосилдорликни ҳам деярли икки баробар ошириб, 42-43 центнерлик маррани эгалладилар. Мамлакат хирмони-га 2миллион 800минг тонна сара дон уюлиб, белгиланган режа қисқа муддатда бажарилди.

Бу — аввало мустақиллик ша-рофатидир.

Бу — Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимизнинг даъвати билан бошланган ғалла

мустақиллиги учун курашнинг ҳосиласидир.

Бу — қишлоқ хўжалигида ширкат, фермер хўжаликлари ташкил этилгани, ижара, оила пудрати ва чек усулларининг кучга киргани ва шу йўл билан деҳқонлар амалда ер, ҳосил, даромад эгасига айланганлари самарасидир.

Мамлакатимиз ғаллакорлари эришган ютуқларидан вилоятимиз деҳқонлари ҳам ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Чунки, бу йил улар мамлакатнинг умумий хирмони-га 270минг тоннадан зиёд юқори навли дон тўкиб, муносиб улуш қўшдилар. Давлат-га дон топшириш режаси энг қисқа муддатда — 20 иш кунида адо этилгани, вилоят бўйича умумий ҳосилдорлик 44 центнер-га кўтарилгани вилоятимиз меҳнатқашларининг республика ғалла мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги умумхалқ ҳаракатининг олдинги сафларида бораётганларидан далолат беради.

Демак, ғаллачилик келажакда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлайдиган тармоқларнинг бирига айланиб бораётгани шубҳасиздир.

МАЪНАВИЙ БОЙ ҲАЁТ – УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Бўстонликда ўтган уч авлод учрашуви иштирокчиларда катта таассурот қолдирди

Юракларимизнинг туб-тубида авайлаб-асраб, янгича мазмун билан бойитиб, келгуси авлодларга бутун моҳияти билан узатишга интилаётган миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз, расм-русумларимиз ва урф-одатларимиз кўп. Улар кўнгилларга сингиб, миллатнинг маънавий-маданий ҳаёти, бунёдкорлик ишлари мезонига айланади.

БОҚИЙ АНЪАНА

Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бири — Бўстонликда ўтган «Маънавият ва узоқ умр сирлари» мавзудаги уч авлод учрашуви халқимизнинг мана шу миллий қадриятлари тарғиботи-га бағишланди. Бу анжуман Тошкент вилоят ҳокимлиги ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

(Давоми 3-бетда).



Мутахассисларнинг таъкидлашига қараганда, бу йил ғўза вилоят бўйича ўртача 15 кун кечки бўлиб ривожланмоқда. Сабаби эса, маълум — бемаврид ва ҳаддан зиёд ёғинлар кўпчиликка панд берди. «Кўпчиликка» дейишимизнинг боиси бор. Чунки, тадбиркор деҳқонлар табиатдан нолимай, агротехник тадбирларни билиб қўллаб, вақтдан ютишяпти. Айримлар эса, нўноқлик, ҳафсаласизлик қилиб, ганимат дамларни бой беришяпти.

Ҳўш, пахтакорларнинг бугунги энг асосий вазифалари нималардан иборат? Биз қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, тажрибакор олим Қувватилла ШИРИНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

ҒЎЗА КЎРСАТМАНИ ТАН ОЛМАЙДИ

балки, ўғитни, сувни вақтида ва меъёрида талаб этади

— Айрим раҳбар ва мутахассисларнинг онгида «Ғўза кун санайдиган экин» деган фикр ўрнашиб қолган, — дейди олим. — Аслида у мутлақо нотўғри, ҳатто, зарарли фикр. Ғўзага кун эмас, меъёридаги фойдали ҳаво ҳарорати керак. Экилгандан сўнг то униб чиққунига қадар чигит 85-91 С ҳаво ҳароратини қабул қилади. Шу ҳарорат беш кунда тўпланса, беш кунда униб чиқади. Ҳаво паст келса, ҳатто, 20-25 кун ҳам тупроқ остида ётаверади. Бу йил аксарият майдонларда айнан шундай ҳолат юз берди.

Шу ўринда ҳаётий мисол келтириш жоиз. Пахтакорларнинг эсларида бўлса керак, 1989 йилда 30 ап-

релга ўтар кечаси ҳаво совиб кетиб, қор ёғди. Пахтакорларимиз асосий майдонларга бузиб қайтадан 15 майгача чигит экдилар. Ун йил ўтиб, яъни 1999 йил 22-23 апрель кунлари шу ҳолат яна такрорланди. Бу сафар 5 майгача қайта чигит экилди. Лекин ўша йилларда республикада пахта етиштириш режалари муваффақиятли уудаланганлигини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ.

— Демак, тўлиқ ва соғлом кўчат оламан деган пахтакор об-ҳавога, ернинг этилган-етилмаганига қараб, чигит экиш муддатини белгилаши керак экан-да?

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг XII сессиясида бўшаб қолган айрим сайлов округларида сайлов ўтказиш бўйича қарор қабул қилинган эди. Ушбу қарорга биноан тўртта сайлов округида амалдаги сайлов бўлиб ўтди. Унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда 31-«Байтқўрғон», 35-«Оққўрғон», 36-«Озодлик» ва 49-«Олмазор» сайлов округлари тузилиб, улар таркибида 75та сайлов участкалари иштирок этди. Сайловга тайёргарлик кўришда вилоят сайлов комиссияси томонидан тузилган календар режа асосида иш олиб борилди. Номзод-

лар кўрсатиш ва улар билан учрашувлар ўтказиш қонун асосида амалга оширилди. Сайловда округлар ҳудудидаги сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 92145 сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, овоз беришда 85008 сайловчи иштирок этди. Бу жами сайловчиларнинг 92,3 фоизини ташкил этади.

Овоз бериш натижаларига кўра округ сайлов комиссияларининг тузган баёнлари асосида кўпчилик ёқлаб берган овозлар бўйича қуйидагилар халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига депутат этиб сайландилар.

Бўшаб қолган ўринларга II чақириқ Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда сайланган депутатлар

РЎЙХАТИ


Депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили, партиёга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва турар жойи	Сайлов округининг сони ва номи
Тршхўжаев Саидхўжа Шарифхўжаевич	1948 йил, Халқ-Демократик партиёси аъзоси, Қибрай тумани ҳоқими, Қибрай туманида яшайди.	31-«Байтқўрғон»
Ҳакимжонов Раҳимжон	1941 йил, партиёсиз, Оққўрғон тумани Охунбобоев ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Оққўрғон туманида яшайди.	35-«Оққўрғон»
Ҳолтоев Туроб	1945 йил, партиёсиз, Оҳангарон тумани ҳоқими, Тошкент шаҳрида яшайди.	36-«Озодлик»
Қосимов Рустам Солиевич	1963 йил, Халқ-Демократик партиёси аъзоси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгаши раиси, Янгийўл туманида яшайди.	49-«Олмазор»

Вилоят сайлов комиссияси раиси **С. Қурбонқулов.**
2002 йил 7 июль.

Қўшма корхоналарда



«РОССИ» ҚАНДОЛАТЛАРИ — ДАСТУРХОН БЕЗАГИ



Янгийўл шаҳрида хорижлик сармоядорлар билан биргаликда барпо этилган қатор қўшма корхоналар ишлаб турипти. Улар, асосан, истеъмол бозори учун турли-туман маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Бундан бир неча йил илгари ташкил этилган «Росси» қўшма корхонаси доим бир маромда ишламоқда. Бу ерда бозор талаблари ҳисобга олиниб, маҳсулот тайёрлаш ҳажми ва унинг турлари муттасил кўпайтириб бориляпти. Ярим йиллик режа эса, муваффақиятли бажарилди.

Ҳозирги кунларда қандолатчилар аҳоли дастурхонига 50 хилдан ортиқ вафли, шоколад ва бошқа ширинликларни етказиб беришяпти. Ҳамма маҳсулотнинг сифати юқори мезонларга жавоб беришига эришилмоқда. Унинг маҳсулотлари республикамизнинг барча вилоятлари шаҳар ва туманларида истеъмолчилар томонидан севиб харид қилинмоқда.

СУРАТЛАРДА: печенье цехининг илғор ишчиси Азиза Омонова ҳамда шоколад цехи ишчиси Элзара Чулах ва бригадир Гулнора Ибрагимоваларни маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатишга тайёрлаётган вақтда кўриб турибсиз.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Истиқлол иншоотлари

Тўртинчи ПЕЧЬ ҚУРИЛМОҚДА

Ўзбекистон металлургия комбинатининг электр билан пўлат эритиш цехида янги, тўртинчи печни йиғиш ишлари жадал олиб берилмоқда. Бу шарафли ва масъулиятли ишда иштирок этаётган бинкорлар ва монтажчилар қудратли агрегатни мамлакатимиз мустақиллигининг ўн бир йиллигига фойдаланишга топширишни мўлжалламоқдалар.

Ушбу иншоотни бунёд этаётганлар орасида «Сантехмонтаж» бошқармаси жамоаси тез ва сифатли ишлаяпти. 93-ихтисослашган трестга қарашли бу бўлинма ишчилари печнинг

энг мураккаб ускуналарини йиғишмоқда. Жумладан, унинг кўпдан-кўп двигателлари ва насосларини, сон-саноксиз қувурларини, ҳаво берадиган мосламаларини ўрнатишяпти.

Бошқарманинг Шухрат Исроилов, Сергей Куликов, Шавкат Абдунабиевлар раҳбарлигидаги бригадалари, монтажчи Абдурауф Мамараҳимов, пайвандчилардан Игор Кузиков, Таваккал Давронов, Абдусаммад Салимовлар ўзларининг унумли ва шижоатли меҳнатлари билан касбдошларининг ҳурматини қозонишяпти.

Бошқарма жамоаси аъзолари қатор бошқа катта-кичик иншоот-

лар қурилишида ҳам фаол иштирок этиб, зиммаларига юклатилган вазифани муваффақиятли уदдаламоқдалар. Жумладан, улар Фарғона азот ўғитлари ишлаб чиқариш бирлашмасида олиб борилаётган катта қуриш ишларида салмоқли юмушларни амалга оширишяпти. Бу ерда ҳам турли-туман электр двигателлари, қувурлар ва бошқа шу каби қисмларни жой-жойига қўймоқдалар. Бундан ташқари, Бекободдаги техник-иқтисодий коллеж ва ёшлар учун мўлжалланган дискотека қурилишига ҳам салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Собир ҲАМИДОВ.

— Азалдан шундай бўлиб келган. Бу бободехқонларимиздан мерос қолган бой тажриба эканлигини яхши биладиган, сабабини чуқур тушанадиган уста деҳқонлар ҳозир ҳам оз эмас. Лекин, афсуски, деҳқончилик, айниқса, пахтачилик илмидан йироқ айрим тоифа раҳбарлар эрта экилса, ҳосил эрта етилади деган ҳаёлда иш тутадилар.

Жумладан, бу йил ҳам айрим раҳбар ва мутахассисларнинг чигит экишда ўйламай қилган ишлари пахтакорларимизга ортиқча ташвиш келтирди. Биринчидан, кўпгина майдонларга бузиб, қайтадан чигит экишга тўғри келди. Одатда, мавсум бошидаёқ энг сара ва сифатли тайёрланган уруғлик экилади. Қайта экишга тўғри келганда эса, сифатсиз, ҳатто, техник уруғларни ишлатишга мажбур бўлинади. Бу ўз-ўзидан ҳосилдорликка таъсирини кўрсатади.

— Сизнинг фикрингиздан маълум бўлдики, бу йилги шароитда ҳам ғўза ривожидagi қоқоқликни бартираф этиб, мўл ҳосил етиштиришга эришиш мумкин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҒЎЗА КЎРСАТМАНИ ТАН ОЛМАЙДИ

Бунинг учун пахтакорлар асосий эътиборни нималарга қаратишлари лозим?

— Аввало ҳар бир туман ва хўжаликда кўпни кўрган кекса деҳқонлардан иборат оқсоқоллар кенгаши тузилган бўлиб, унинг аъзолари ҳар кун тинимсиз дала айланишлари, ҳар бир майдондаги ғўзанинг талабига қараб, керакли маслаҳат ва тавсиялар беришлари зарур. Ҳозирги шароитда пахтакорларнинг асосий вазибалари ғўзанинг ўғитини тўлиқ бериб, сувга қондириш, қатор ораларини чуқур ва сифатли юмшатиб, керагича ҳаво етказиб беришдан иборатдир. Жумладан, ҳозир ғўзани сувга қондиришнинг айнаи масъулиятли даври. Афсуски, кўп жойларда бу муҳим агротехник тадбир ҳам ҳафсаласизлик билан қўл учидан бажарилляпти. Ачинарлиси шундаки, ғўзалар фақат кундузи назорат остида суғорилиб, тунда эса қаровсиз қолмоқда. Натижада, ғўза бир жойда қўлласса, бошқа майдонларда сув канал, зовур ва кўчаларга беҳуда тошиб ётипти. Баъзи йирик майдонларда ўқарикларнинг оралиғи 700 метргача боради. Бу сувчи учун қанчалик қулай ва енгил бўлса, ғўза учун шунчалик зарардир. Бундай шароитда сув эгат охирига етгунча, 4-5 кун ўтади. Эгат бошидаги ғўза сувга ортиқча тўйиниб, сарғаяди, ривожини сусаяди, ўсишдан 15 кунгача ортда қолади. Устига устак, шона ўрнига ортиқча шохлар пайдо бўлади.

Вилоятдаги айрим хўжаликларда ғўзанинг оқова сувини ташқари ариқ-зовурларга чиқариш одат тусига кирмоқда. Бу биринчидан, тупроқ эрозиясига сабаб бўлса, иккинчидан берилган ўғитларнинг 60-70 фоизини сув ўзи билан бирга оқизиб кетади.

Аслида ўқариклар нишаб ерларда 50-60 метр, текис ёки нишаби паст майдонларда 75-120 метр бўлгани маъқул. Иккинчидан, ғўзани эгат оралатиб суғориш яхши самара беришини кўп йиллик тажрибалар амалда кўрсатди. Ўқариклардан эгатларга дастлаб сув катта миқдорда очилади. У оёқлагач эса, жилдирашиб қўйилади. Шунда эгатнинг боши ва охиридаги ғўзалар деярли бир вақтда ва тенг мезорда сув ичади. Ҳозирги ёш ғўзаларга таралган сув узоғи билан 14-17 соат оқса кифоя.

Раҳбарлар ҳам, мутахассислар ҳам яхши билиб олишлари керакки, ғўзани 4-5 кун давомида тепасигача захлатиб суғориш катта хатоликдир. Негаки, кучли захлаган ғўзалар ости иссиқ таъсирида қаттиқ қотади, ёрилади ва илдииз ти имига қуруқ ҳаво кириб, ғўза қайта чанқайди. Бу

эса, ўсиш даврининг узайишига сабаб бўлади. Демак, ҳосил кечки бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир жиддий камчилик ҳақида гапирмоқчиман. Вилоятнинг айрим туманларида ғўзани яғаналаш палапартиш ўтказилди, охирига етказилмади. Ваҳоланки, юқорида жўнатилган маълумотларда яғана май ойида тугатилди, деб кўрсатилган. Айрим раҳбарларнинг қонига сингиб кетган бундай кўзбўямачилик аслида ўз-ўзини алдашдан бошқа нарса эмас. Яғанани ғўза иккита чин барг чиқарганда бошлаш кераклигини, агар у 10-15 кунга кечиктирилса, 7 центнергача ҳосил йўқотилишини бундай раҳбарлар наҳотки, билишмасан?

Демокчиманки, ҳозир ҳамма жойда асосий диққат-эътиборни парваришга, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида, сифатли ўтказишга қаратиш керак. Фақат шундагина ғўза ривожини тезлаштириш, дала-ларда мўлжалдаги ҳосилни тўллаш мумкин.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

Унда вилоятимиз туман ва шаҳарларида яшаётган нуроний отахон ва онахонлар, Миср, Малайзия, Германия, Индонезия, Эрон, Жанубий Корея, Украина, Белоруссия, Россия ва Қозоғистон каби бир қатор давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари, ЮНИСЕФ, ОБСЕ каби халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

Уч авлод учрашувини вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Фуломова чет эллик меҳмонлар, учрашувнинг бошқа қатнашчиларига мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва қарияларни қадрлаш, уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Ўзбекистонда кекса авлоднинг қадр-қимматини юқори кўтариб, улар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий асосини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларга жаҳон ҳамжамиятида қизиқиб ортиб бораяпти. 2002 йил қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги, уларга давлат сиёсати даражасидаги эҳтиром билан оилалардаги меҳр-оқибатли муносабат уйғунлиги кўпчилики хайратга солаяпти. Шу йил апрелида БМТ Испанияда қариликнинг олдини олиш ва болалар тарбиясига бағишлаб тўрт кун давомида ўтказган сессияда ҳам анжуман иштирокчилари Ўзбекистон тажрибаси билан ҳар томонлама таништирилди. Ҳар йигирма йилда ўтказилувчи бу сессияда 200га яқин давлатнинг шу соҳада амалга оширилган ишлар ҳусусидаги ҳисоботлари тингланди. Юртбошимиз раҳбарлигида соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва давлат дастурлари ҳам миллий анъаналарни тўла тиклаш борасидаги ишларни кучайтириб юборди. Кунги кеча Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси яна бир муҳим қарор қабул қилди. Унда кўзда тутилган режаларни рўйбга чиқариш учун 87 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Савол туғилади: мана шу анжуманни ўтказиш учун нега айна Бўстонлик тумани танланди? Анжуман иштирокчиларини қизиқтирган бу саволга туман ҳокими Қамбарали Эшонқулов муфассал жавоб берди.

— Бизлар учрашиб турган бу замин неча минг йиллик тарихга эга, — деди у. — Обираҳмат ғори бутун Осиё минтақасида инсон яшаб, меҳнат ва ижод билан шуғулланган илк манзил сифатида эътироф этилган. Маданий обидалар сифатида кўриқланувчи тошлардаги расмлар 30-40 минг йил илгари чизилган. Уларда кийиклар, тоғ эчкилари меҳр ва ҳафсала билан тасвирланган...

Бўстонликнинг иқлими юмшоқ ва мўътадил, ҳавоси тоза, сувлари ширин ва фойдали маъданларга бой. Ҳавосида кислород 17 фоиз. Бу Алп тоғларидагидан икки фоиз кам, холос. Бу манзилда одамлар узоқ умр кўриб, табиат билан уйғунликда яшаган.

Бугун Бўстонлик қишлоқларида юз ёшдан ошган 80 киши истиқомат қилмоқда. Қораманас қишлоғидан 102 ёшли Тўйтан момо Молдаёрова 80 ёшли қизи Маржонбуви билан бирга бу учрашувга етиб келди. Бу табар-

рук момонинг кўрган-кечирганлари ҳақидаги ҳикояларини даврадаги ёшукекса гоҳ изтироб, гоҳ шодон кулгу билан тинглайди.

— Меҳр-оқибатли бўлинг, кам бўлмайсиз, — дейди момо ҳар ҳикоясини яқунлаётиб.

Бугунги Бўстонлик иқтисодий тараққиёт йўлига ўзига хос қадамлар билан кириб бораётган мустақил Ўзбекистонимизнинг ёрқин бир тимсоли. Мева-сабзавот ва чорвачилик йўналишларидаги қишлоқ хўжалиги, кенг тармоқли саноат ишлаб чиқариши ривожда. Бугун туманда еттита — Ўзбекистон-АҚШ «Конмит», «Искандар-Фуде», Ўзбекистон-Англия «Конвин», Ўзбекистон-Ни-

феруза Чирчиқ дарёсининг мавжли шовуллашига қўшилиб, даврага тоғлардаги элкинли селпинишларни, оҳанглар тўлкинини олиб кирди. Қизалоқнинг шўх ўйини Куйичирчиқ тумани ёшларининг «Юлдузлар» дастаси ижро этган арабча ва испанча рақсларга уланди.

Лекин, Ҳазалкентдаги «Гулёр» дастаси ҳаваскор саъяткорларининг лапарлари ва рақслари, «Келинсалом» саҳналаштирилган томошаси учрашувга ўзгача завқ-шавқ ва хушнудлик бағишлади. Бу халқ-этнографик дастаси шаклланганлигига 25 йил бўлди. Шу йиллар мобайнида кексаликни тан ол-

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ИБРАТЛИ

Жозе Лобо,

Ҳиндистон маданият марказининг раҳбари

— Мен учрашувимизнинг кекса-юёш иштирокчиларига Рамайна юртидан салом олиб келдим. Мамлакатингиз кексаларга қандай ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётганлигини кўриб-кузатиб юрибмиз. Бу ерда ҳам юз ёшдан ошган қариялар билан учрашиб, ҳаётдан мамнунликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Иқтисодиёт, тиббиёт ва таълим юксалиб, дунёда кексалар турмушига эътибор кучайяпти. БМТ бу умуминсоний қадриятларни барча халқлар ҳаётига сингдириш чораларини кўрмоқда. Ҳиндистонда аҳолининг беш фоизини кекса

авлод ташкил этади. Лекин уларга эътибор фақат маҳалла, оилалар иши, давлат бу масала билан Ўзбекистондагичалик шуғулланмайди.

Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси ибратли.

Ҳаммамиз мана шу тадбир бунинг ўзига хос исботи, деб билмоқдамиз.

ФАРҚ — ЕР БИЛАН ОСМОНЧА

Асқар ТОҶИБОЕВ,

Қозоғистон Республикаси элчихонасининг биринчи котиби

— Охирги маротаба Ўзбекистонда 1991 йилнинг кўкламида бўлган эдим. У пайтлардаги ҳолатларни ҳозирги аҳвол билан асло таққослаб бўлмайди. Бугунги Ўзбекистон — халқнинг азалий анъана ва қадриятлари ҳаётда мукамал қарор топган мамлакат.

Бугунги учрашув ҳам шундан бир нишона. Фақат вилоятингизнинг ўзида 250 дан кўпроқ бир асрдан ортиқ умр кўрган қариялар борлигини эшитиб, ўзимда қўшни дўст мамлакат учун ифтихор туйғусини ҳис этялман. Бу не бахти, деярли уч аср билан юзлашган бу табаррук инсонлар нафақат ўз фарзандлари, балки бутун жамият ва давлат ардоғида.

МАФТУНКОР АНЪАНА

Татьяна БАБКОВА,

Украина элчихонасининг иккинчи котиби

— Мен мамлакатингиз аҳолисининг турли қатламлари давраларида бот-бот бўлиб тураман. Лекин бугунгидек мароқли, ҳавасли учрашув-суҳбатни асло эслай олмайман. Тўғри, ҳар бир тадбирнинг ўз мақоми, мазмуни бўлади. Бироқ, бу даврамиз моҳияти ҳам, руҳи ҳам ўзгача. Уч авлод вакиллари тўқин дастурхон атрофига йиғилиб, турмушнинг долзарб муаммоси — авлодлар узвийлиги, кексаларга ҳурмат ва ёшларга раҳнамолик ҳусусида фикрлашишди.

Ўзбекистон — ўхшаши йўқ мамлакат. Фақат шу ерга, шу элга, шу миллатга хос қадриятлар, урф-одатлар борки, уларнинг ҳаётдаги аҳамияти, тарбиявий таъсири бошқа ҳеч бир мамлакатда йўқ. Мен бу ўринда, айниқса, кексаларга иззат-ҳурмат, меҳр-оқибатни назарда тутаялман. Бу одатни қанчалик чуқур ўргансак, ўзлаштираксак, ўзимизга фақат фойда.

Саҳифа материалларини Жўрабек МУРОДОВ тайёрлади.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

— Владимир ПОРТНОВ олган суратлар.

МАЪНАВИЙ БОЙ ҲАЁТ — УЗОҚ УМР ГАРОВИ



дерландия-Американинг «Ҳазалкент-Ойна» каби қўшма корхоналари замонавий техника ва технологиялар асосидаги ишлаб чиқариш суръатларини ошириб бораяпти.

«МЕҲМОНДҮСТ БИР ЭЛНИ КҮРДИМ»

Учрашувда узоқ умр кўриш сирлари, соғлом авлодни камол топтириш, кекса авлодни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимидаги тажрибалар ҳақида кенг фикр олишув бўлиб ўтди. Ноёб неъмат — қимизнинг соғлиқ учун фойдали хусусиятлари ҳақида гапирилди. Қозоқ қизлари чинни пиёлаларда қўшқўллаб узатишган шифобахш бу ичимлик хорижлик меҳмонларга ниҳоятда манзур бўлди. Оқин Қолдибек Товбоевнинг сеҳрли қимиз, ёш хонанда Ойлигимнинг от ҳақидаги қўшиқлари

май, ўз ижрочилик санъатларини сайқаллаб келаётган онахонлар ижросидаги халқ қўшиқлари неча-неча хорижий мамлакатларда янграмади?!

Учрашувда меҳмонлар ҳам ўз миллий урф-одатлари, қадриятлари ҳақида гапиришди. Индонезия вакиллари бадий-тўқимачилик санъати ҳақидаги ҳикояларини учрашув иштирокчилари, айниқса, қизиқиб тинглашди.

Уч авлод учрашувда Бўстонлик чеварлари тиккан ноёб зардўзлик буюмлари, маҳаллий тадбиркорлар етиштирган ноз-неъмат ва ичимликлар намуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Меҳмонлар хунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари билан қизиқиб танишишди. Улар дастурхонларга тортилган чучвара, чўзма, пиёзли нонлардан татиб кўришди. Корейс ва рус, немис ва араб йигит-қизлари шўх-шўх рақсга тушишди.

DUSHANBA

15

«Ўзбекистон» телеканал

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 июл куни «Ўзбекистон» телеканал кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлилнома».
15.45 ТВ клип.
15.50 «Ошин». Телесериал.
16.20 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
16.40 «Жаҳон киноси юлдузлари».

Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси».

17.00 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.00 Янгиликлар

18.10 «Мулк».
18.30 «Олтин мерос».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбек телефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 1-қисм.
21.30 «Бир жуфт кўшиқ».
21.40 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
22.10 «Оқ йўл!» Шаҳнозабону куйлайди.

22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр» Тонгги.
10.00 «Янги авлод» студияси: болалар учун концерт.
10.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
10.30 Саломатлик сирлари.
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.20 «Давр»-news.
12.40 «Янги авлод» студияси: «Мураббий». Видеофильм.
13.30 ТВ-анонс.
13.40 Болалар экрани. «Маринка, Янка ва қирол

қасрининг сири».
14.55 Спорт ҳафтанома.
15.10 «Армонли дунё». Бадий фильм.
16.40 Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этади: «Илк туйғу» видеофильми. 1-қисм.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» почтаси.
17.30 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.45 Халқаро фестиваллар совриндори Сухроб Кенжаев куйлайди.
18.10 Ўзбегим кураши.
18.30 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўна оҳанглар.
19.50 Илдииз ва япроқ.
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат кўшиқлари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 31-қисм.
17.55, 19.10, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги

йўлида».
19.30 «Авто-news».
19.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
20.30 ТТВда сериал: «Бебилиска пул» (яқунловчи)
21.35 «ТВ плюс».
22.45 Кинонигоҳ. «Бахтли ҳодиса».
00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий журнал.
18.20 «Қойилмақом». Бадий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.25 СФИ тақдим этади: «Цирк».
22.20 Кинематограф. «Робертсонлар ва

полициячилар». Бадий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.
17.40, 20.35 — «Телехамкор».
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кўна дайдилари».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона», мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Брайтон-Бичлик полициячи».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

SESHANBA

16

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.35 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Тиббиёт одимлари».
10.15 «Саёҳатлар эртаги». Бадий фильм.
11.55, 16.50 ТВ анонс.
12.05 «Мулк».
12.25 «Париси бор уй».
12.55 «Оқ йўл!» Шаҳнозабону куйлайди.
13.30 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
13.50 ТВ клип.
14.10 Кундузги сеанс: «Шум бола». Бадий фильм.

15.40 «Қалб гаҳҳари».
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
16.00 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Қалқон».
18.50 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбек телефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 2-қисм.

21.30 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.50 «Солиқ ва биз».
22.05 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тарих кўзгуси». 3-қисм.
23.00 «Ахборот - дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Бизнес-академия.
10.10 Мусиқий лаҳзалар.
10.20 «Эсмеральда». Телесериал.
10.50 Жаҳон жуғрофияси.
11.40 Ёшлар овози.
12.00 Болалар экрани «Менинг шотландиялик

дўстим». 1-қисм.
12.30 «Гуллар шаҳри». Мультфильм.
12.55 Интерфутбол.
14.35 Кўна оҳанглар.
14.50 «Севги афсонаси». Бадий фильм. 1-қисм.
16.05 Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этади: «Илк туйғу» видеофильми. 2-қисм.
16.30 «Алла». Ҳужжатли фильм («Ўзбек телефильм») 16.50 Кўрсатувлар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
17.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.30 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.45 ТВ-анонс.
17.55 Олов билан юзма-юз.
18.10 Автопатруль.
18.30 Сифат белгиси.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 «Давр»-интервью.
19.55 Марди майдон.

20.15 Дийдор.
20.35 Ёшлик навалари.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Нокаут.
23.30 «Давр». Ахборот дастури.
23.45-23.50 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 32-қисм.
17.55, 19.05, 21.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 21.15, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Дурдона».
19.25 «Нима учун?»

19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.55 «Туризм ҳақида».
22.50 Кинонигоҳ. «Нил дарёсидаги олишув». 1-қисм.
00.20-00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Билл Гейтс - компьютер султони». Ҳужжатли фильм.
18.55 «Микрокосмос».
20.00 «Время».
20.35 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.25 «Азиз инсонлар».
21.45 «Соната» гуруҳи концерти.
21.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.05 Кинематограф.

«Гаграда қиш оқшоми». Бадий фильм.
23.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Жанговор санъат олами». Спорт дастури.
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Денгиз овчиси». Саргузашт фильм. 1-серия.
13.30 «Яго зулмат эҳтироси». Сериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кейинги бекат — мўъжизалар мамлакат».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Муаликлар орасида ўлим».
23.15 «Тез ёрдам». Сериал.

CHORSHANBA

17

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбек телефильм» намойиши: «Танбур».
9.20 «Бахтимизга омон бўлинг».
9.40 «Тафсилот».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Нозигойим». Бадий фильм.
11.50, 16.50 ТВ клип.
12.05 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
12.25 «Аския».
12.45 «Баркамол авлод орзуси».
13.05 «Ринг».
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Остонаси тилло-

дан».
14.30 Кундузги сеанс: «Сўнгги пушаймон». Бадий фильм.
15.40 «Талабалик йилларим».
16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Меҳр қолур».
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Сехрли харфлар оролчаси».
18.10 «Сихат-саломатлик».
18.30 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури.
18.50 «Аёл - дунёни тебратар».
19.10 Эстрада тароналари.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 ТВ клип.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон

Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбек телефильм» намойиши: «Оғир синовлар даври». Премьера. 3-қисм.
21.30 «Бир жуфт кўшиқ».
21.40 «Таянч нуқтаси».
22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.30 «Спорт, спорт, спорт».
22.45 «ТВ-клуб».
23.10 «Ахборот - дайжест».
23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 «Давр»-интервью.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Солиқ ҳақида

сабоқлар.
11.00 «Жилволанмаган Африка». Ҳужжатли сериал.
11.50 Ёшлар овози.
12.10 Болалар экрани. «Менинг шотландиялик дўстим». 2-қисм.
12.40 «Пуф ва жаноб Ҳеч ким», «Сехрли аждар». Мультфильмлар.
13.30 Кўна оҳанглар.
13.45 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
14.25 Ўзбегим кураши.
14.45 «Севги афсонаси». Бадий фильм. 2-қисм.
15.45 Илдииз ва япроқ.
16.05 Автопатруль.
16.25 ТВ-анонс.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати», болалар учун концерт.
17.00 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
17.15 Болажон.
17.30 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.20 Чемпион сирлари.
18.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ракурс.
20.00 Спортлото.
20.10 Ўзбек мумтоз мусиқасидан.
20.15 Очил дастурхон.
20.30 «Ер ишки». Мусиқий дастури.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 «Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканал

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Оффисна баридан чиққан фирибгарлар». 33-қисм.
17.55, 19.10, 22.20

«Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 22.00, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Аёл қалби».
19.30 «Мусиқий меҳмонхона».
19.50 «Эҳтиром ила».
20.30 ТТВда сериал: «Афсунгар».
21.15 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
23.05 Кинонигоҳ. «Нил дарёсидаги олишув». 2-қисм.
00.35-00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Оилавий ришталар». Сериал.
18.15 «Ёлловчи». Детектив фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.
21.25 «Форс-мажор».
22.05 «Аншлаг».

22.55 СФИ тақдим этади: «Капеллия». Фильм балет.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».
9.30, 14.15 — Болалар соати.
10.15 «Ботирлар». Сериал.
10.40 «Яши кайфият».
11.10 «Иблис боласи». Телесериал.
12.00 «Денгиз овчиси». 2-серия.
13.30 «Яго зулмат эҳтироси». Телесериал.
15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал.
16.40 «Футурама». Мультсериал.
17.00 Шоу соати.
18.00 «Ўртоқ бошлиқ». Сериал.
19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Лотос зарбаси».
21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастури.
21.30 Ҳинд киноси: «Севгидан қўриқ керак эмас».

PAYSHANBA

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болалар ва катталар». 2. «Сехрли харфлар оролчаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00

Янгиликлар
10.05 «Улкан балиқ ови». Бадий фильм.
11.15 «ТВ-клуб».
11.40 «Аёл - дунёни тебратар».
12.05 «Фанимиз истикболлари».
12.25 ТВ клип.
12.30 «Ҳиммат».
Спорт дастури.
12.50 «Спорт, спорт, спорт».
13.05 «Ўзбекистон

ифтихорлари».
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55 ТВ анонс.
14.10 «Интерклуб».
14.55 Кундузги сеанс: «Дерсу Узала». Бадий фильм. 1-қисм.
16.00 «Соз сеҳри».
16.20 «Фарзанд - умид юлдузи».
16.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман». 2. «Цирк, цирк, цирк».
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср

ёшлари».
18.30 «Яши ният». Телелотерея.
19.05 «Инсон ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Ўзбек телефильм» намойиши: «Оғир

синовлар даври». Премьера. 4-қисм.
21.30 «Ватан мадҳи».
21.50 Телемулоқот.
«Маҳаллий ҳом ашъдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга эҳтиёж қандай?»
22.30 «Йўл бошида».
22.50 «Саҳна ҳаёти».
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот

дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Билагон маслаҳати», болалар учун концерт.
9.35 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
9.50 Болажон.
10.05 Мусиқий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда». Телесериал.
10.45 Қарияларни қадрлаш йили «Қадрият». 1-кўрсатув.
11.05 Спорт-китъаси (рус тилида)
11.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.55 «Кусто командасининг

сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.45 Ракурс.
13.05 Болалар экрани. «Менинг шотландиялик дўстим». 3-қисм.
13.35 «Мультмоша».
13.50 Кўна оҳанглар.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Ёшлар овози.
16.00 Сифат белгиси.
16.10 Синфдош.
16.30 «Афсонавий шаҳарда». Ҳужжатли фильм («Ўзбек телефильм») 16.40 Олов билан

юзма-юз. 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Уйна, болажон, уйна».

дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўхна оҳанглар. 19.50 «Давр»-интервью.

23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.

«Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Камолот фасли». 19.35 «Мусликий лаҳзалар».

16.55 Кўрсатувлар тартиби. 17.00 «Вести». 17.15 «Оилавий ришталар».

23.45 «Ахборот» (рус тилида) 00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

15.00 Кундузги киноанонс: «Магдаленанинг соғин актрислари». Серил.

JUMA 19 «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

13.40 «Спорт, спорт, спорт». 14.10 «Келинлар кўзголини» спектакли. 2-қисм.

21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига.

9.50 «Давр»-интервью. 10.05 Мусликий лаҳзалар. 10.15 «Эсмеральда».

19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўхна оҳанглар.

17.55, 21.15, 22.40 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 «Эп хизматиди».

«Макр». Бадийий фильм. 00.30 «Ахборот» (рус тилида)

SHANBA 20 «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

адиблари». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Дунё адабиёти».

21.40 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 22.00 «Келин-куёв».

14.15 Кўхна оҳанглар. 14.30 «Экспедиция». Хужжатли сериал.

22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Сўнги чора». Бадийий фильм.

9.45 «Лаззат». 10.05 «CF янгиликлари». 10.15 «Инглиз тили Сиз учун».

30-канал 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».

YAKSHANBA 21 «Ўзбекистон» телеканалли 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

Спорт дастури. 15.45 «Покахонтас». Мультсериал премьераси.

каналда илк маротаба: «Ўлпон». Бадийий фильм. 00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

тенгдошим. 14.50 «Экспедиция». Хужжатли сериал.

00.15-00.20 «Хайрли тун!» «Тошкент» телеканалли

дастури. 11.35 Болалар соати: «Шахризода».

30-канал 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Мулоқот

МАСЛАХАТЛАР БЕРИШДИ

Ангрэн меҳнаткашлари ўртасида тиббий тарғиботни кучайтириш учун бу ишнинг турли-туман шаклларида фойдаланилмоқда. Шу мақсадда республикамиз пойтахтидаги етакчи тиббиёт муассасалари мутахассислари билан учрашувлар ўтказиш ҳам яхши анъана бўлиб қолди.

Яқинда Тошкентдаги эндокринология илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари ангрэнликлар хузурида бўлдилар. Институт лабораторияси мудир, тиббиёт фанлари доктори Тоҳир Иброҳимов, катта илмий ходим Раҳим Исмолов, докторант Сирожиддин Расуловлар меҳ-

наткашлар билан учрашувларда бўқоқ касаллиги, унинг олдини олиш ва даволаниш усуллари бўйича суҳбатлар ўтказдилар, зарур маслаҳатлар бердилар. Пойтахтдан ташриф буюрган бошқа онкологлар гуруҳи аъзолари аёллар маслаҳатхонасида ўтказилган тадбирда катнашдилар.



ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

Нормухаммад ота Комилов хонадонини Янгийул туманидаги Ниёзбош қишлоғи аҳолисининг кексаю ёши яхши танийди. Унинг аъзолари ҳақида илиқ гаплар айтади. Нормухаммад ота умр йўлдоши Адолат ая билан 10 нафар фарзандни вояга етказишди. Ҳозир бу табаррук инсонлар 36 набира ҳамда 35 эваранинг суюкли бобоси ва бувиси бўлиб, қариллик гаштини суришяпти.

СУРАТДА: Нормухаммад ота ва Адолат ая эваралари билан.

Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳридаги "Пойандоз" Ўзбекистон - Эрон - Туркия қўшма корхонасида импорт ўрнини босувчи гиламлар тайёрланмоқда.

«ПОЙАНДОЗ» ГИЛАМЛАРИ

Халқимиз азалдан гиламу кигизларга бўлакча эътибор билан қарайди. Ўзбекининг уйини гилам-сиз тасаввур қилиш қийин. Тўйларда ҳам ёш оилаларга "уйингиз тўлиб турсин" дея гилам совға қилишади. Ҳозир бозору дўконлардан бундай маҳсулотни истаганча топиш мумкин. Аммо гиламларнинг аксарияти Эрон ва Туркиядан келтирилади. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизнинг гиламга бўлган йиллик эҳтиёжи 6 миллион квадрат метр, пойандозга бўлган талаб эса 30 миллион квадрат метрни ташкил этади. Бу талабнинг асосий қисми хориж маҳсулотлари ҳисобига қондирилмоқда. Боз устига уларнинг сифати ҳам ҳалигидай. Аксарияти бир марта ювилгач титилиб, уникиб кетади.

Маҳсулотимиз сифатига тўла қафолат берамиз. Бу гиламлар ўзининг юқори сифатлилиги, чидамлилиги билан ажралиб туради. Энг муҳими, уларнинг нархи ҳам анча арзон, — дейди корхона бош директори Фарҳод Шарипов ЎЗА муҳбирига.

Эл орасида "гилам фабрика" деб ном қозонган корхонада шу пайтга қадар фақат бир неча хил пойандоз тайёрланар эди, холос. Корхона сўнгги вақтларда технология эскиргани ва боқибегамлик оқибатида банкротлик ҳолатига тушиб қолганди. Хорижий сармоядорлар жалб этилгач, аҳвол анча яхшиланди. Англиянинг "Пикеринг", Германиянинг "Вандевил", Туркиянинг "Мадонна" сингари замонавий тўқув дастгоҳлари билан қайта жиҳозланди. Натижада бу ерда йилга 6 миллион квадрат метр сифатли пойандоз, 700 минг квадрат метр гилам ишлаб чиқарила бошланди. Эътиборли томони, мавжуд технология гилам-пояндоз маҳсулотларини талаб-эҳтиёжга қараб бир неча турда ва ҳажмда, қирқ хилдан ортиқ гул босиб чиқариши мумкин.

Айни пайтда корхона қошида яна бир неча қўшимча цехларни ишга тушириш, кўрпа-тўшак, коп тикиш, жемпер тўқиш режалаштирилган. Корхонада 350 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

СЎЛИМ ТОҒЛАР ҚҮЙНИДА

Болаларнинг шўх-шўх қийқириқлари, янгроқ қўшиқларини вилоятимизнинг соя-салқин, хушхаво ва хушманзара гўшаларида бот-бот эшитиш мумкин: ёзги оромгоҳларда дам олдириш ва соғломлаштириш ишлари авж палласига кирди.

Фақат Бўстонлик туманининг ўзидаги 35 та болалар оромгоҳида 10 мингдан ортиқ ўқувчи дам оляпти. Бу ёз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан келган бир ярим мингга яқин ўғил-қиз «Наргиз», «Оқ елкан», «Чимён», «Тонг» ва бошқа оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими ходимлари ва фаоллари уларга дори-дармон тарқатишяпти.

— Биз турли нодавлат ташкилотларининг бундай саъй-ҳаракатларидан ниҳоятда хурсандмиз, — дейди Нукус шаҳридаги 27-мактаб ўқитувчиси Бибисора Рейимова. — Бу эътибор ва ҳамият Оролбўйи экологик бухронидан жафо чекаётган болаларимиз

Болалар ёзи — 2002

саломатлигини жадал тиклашга ёрдам бераёпти.

Мана шу «Алоқачи» оромгоҳида Оролбўйи мактабларининг 112 ўқувчиси — алоқа ходимларининг фарзандлари соғломлаштириляпти. Оромгоҳ раҳбари Баҳодир Мирзааҳмедов, бош тарбиячи Наталья

Аметова Хоразм ва қорақалпоқ болаларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатишяпти.

Қизилсув дарасида жойлашган «Ширинбулок» оромгоҳида сув иншоотларини лойиҳалаштириш ташкилотларининг фарзандлари мириқиб дам олишяпти. Бу ерда соғломлаштирилаётган Қорақалпоғистон болалари тасвирий санъат ва мусиқа тўғрақларининг машғулотларига зўр қизиқиш билан қатнашишяпти. Тарбиячилар Рита Оманбоева ва Баҳтиёр Жунусов улар учун мазмунли суҳбатлар, қизиқ-қизиқ ўйинлар уюштириб, тарбияланувчиларнинг бу сўлим тоғлар қўйнидаги ҳар бир куни мароқли ўтишига эришишяпти.

С.ЖУМАНИЁЗОВ.

Матбуотимиз фидойилари

КАСБГА САДОҚАТ

Ишчан ҳамкасбимиз Талъат Юсупов, мана 37 йил-дириқ «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси реклама ва эълонлар бўлимида фаолият кўрсатиб келаяпти. Бугун у реклама ва эълонлар бозорида кенг танилган мутахассис, ўз соҳасининг, таъбир жоиз бўлса, пири устозига айланган. У соҳанинг алифбосидан иш бошлаб, ўзи меҳнат қилаётган бўлимга оддий ходим бўлиб жойлашди.



Дастлаб ўзбек тилида чиқадиган газеталарни эълон ва реклама билан таъминлаб келди. 1973 йилда Тошкент Давлат университети журналистика факультетининг сиртки бўлимини муваффақиятли тамомлаб, журналистлик касбининг сир-синаотларини ҳам пукта эгаллаб олгач, бўлимнинг раҳбарларидан бирига айланди. Газеталарда берилаётган эълонлар ва рекламаларнинг уюштирилиши, таржимаси, таҳрири, саҳифалаш ва газетанда босиб чиқаришга барча иш жараёнининг назорати унинг зиммасига юкланди. У матбуотда рекламанинг оммалашуви-га катта ҳисса қўшди.

Вақти келиб, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида реклама ва эълонлар фаолияти кенгайиб, ўз махсус нашрларини ташкил этиш ғоялари туғилди. Мамлакатимизда қалдирғоч ихтисослаштирилган

реклама ва ахборот — нашри «Ташкентская неделя» иш низоми ва молиявий-матбаа тартиб-қоидаларини нашриёт сардори Исмол Шогуломов бошчилигида ишлаб чиққанлардан бири Талъат Юсуповдир. 1992 йилда ушбу газетанинг ўзбек тилидаги нашри ҳам чиқа бошлади. Т.Юсупов ўзбекча нашрининг муҳаррири бўлди.

Ҳар бир реклама ва эълонлар нашрининг оёққа туриб кетиши, реклама бозорида ўз ўрнини топиши, миқозлар орттириши осон кечмайди. У ўзига одамларни қатъий ишонтириши, халқ орасида кенг тарқалиши учун газета захматкашларидан юксак ақлзаковат, тадбиркорлик кўрсатиб меҳнат қилишни, миқозларни ўзига жалб этадиган материалларни тез-тез газета саҳифаларига олиб чиқишни талаб этади.

Талъат Юсупов бундай материалларни топишга уста. Масалан, у ўз вақтида Тошкент бозорида тинимсиз ишлаб, маҳсулот-

лар қаерда қандай нарҳда сотилишини ўрганди ва бундан «Тошкент ҳафтанома» газет-хонларини ҳар ҳафтада мунтазам хабардор қилиб борди. Ёки пойтахт театр ва кинотеатрларида қандай спектакль ва кинофильмлар кўрсатилаётгани ҳақидаги хабарлар бошқа газеталар эътиборидан четда қолганида, у «Тошкент ҳафтанома» «Театрларда», «Кинотеатрларда» деган рунклар ташкил этди. Бугунги кунда «Тошкент ҳафтанома» газетаси ихлосмандлари ошиб бораёпти. Дастлаб у атиги 4-5 минг нусхада чиқарди. Бугун фақат пойтахтнинг ўзида 20 мингдан зиёдроқ нусхада тарқатилаяпти. Бунда Талъат Юсупов каби ташаббускор ижодкорларнинг хизмати катта. Бу йил «Ташкентская неделя» 30 ёшга, «Тошкент ҳафтанома» 10 ёшга тўлади. Т.Юсупов айни пайтда республика газеталарида турли мавзулардаги мақолалари билан тез-тез чиқиб тура-

ди. Айниқса, у спорт ишқибози, янада аниқроғи футболни жуда севади. «Тошкент ҳафтанома» «Тошкент ҳақиқати» ва бошқа газеталарда Ўзбекистон футболни ўйинларини қизиқарли шарҳлайди. Жаҳон футболни усталари тўғрисида мақолалар ёзади.

У ҳазилкаш, дилкаш, одамлар билан тез тил топишиб кетадиган, меҳригёё инсон. Бир кўришиб суҳбатлашган одам унинг суҳбатини яна кўмсайди. Бу айни рекламачи одамга хос хислат. Ҳозир нима кўп — реклама ва эълонлар чоп этилаётган газеталар кўп. Миқозлар ҳам талаш. Талъат Юсупов эса, бу борада кўпчиликдан «ўзиб» кетган. «Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бозор бу — бозор», — дейди у.

Талъат Юсуповнинг шоғирдлари ҳам кўп. Уни рекламачилар пири, устози сифатида матбуот аҳли яхши билади ва ҳурмат қилади. Юқорида айтганимиздек, бозор иқтисодиёти даврида бу соҳага эҳтиёж янада кучайди, ўсди. Демак Талъат Юсуповда ҳам иш кўпаймоқда. Биз унга куч-қувват, фаолиятида самаралар тилаб қоламиз.

Михли САФАРОВ.

Сўраган эдингиз

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ҚОИДАЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Саволларга Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасининг жисмоний шахсларни солиққа тортиш ва назорат қилиш бўлими жавоб беради.

САВОЛ: Қатъий белгиланган солиқ бир ой ичида тўлиқ фаолият кўрсатган тадбиркорлар учун аниқ, аммо бошқа ишларда ишлаб, бир ойда 15 кун фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар қандай даромад солиғи тўлашади?

ЖАВОБ: Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 9 январдаги 7-сонли қарори билан тадбиркорларнинг бир ойлик даромадига қатъий ставкада солиқ белгиланган. Демак, тадбиркор бир ой ишлаб даромад оладими ёки бир кунми, бундан қатъий назар, бир ой учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси бўйича солиқ ҳисобланиб, ундирилади.

САВОЛ: Тадбиркор 2001 йил январь ойида давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтиб, қатъий белгиланган солиқ тўлаб келмоқда. Республика Вазирилари Маҳкамасининг 351-сонли қарори эса, 2001 йил 24 августда қабул қилинган. Тадбиркор пенсия жамғармасига тўловларни қарор қабул қилинган кундан бошлаб тўлайдими ёки йил бошидан?

ЖАВОБ: Тадбиркор пенсия жамғармасига тўловларни Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги 35-сонли қарори чиққунга қадар амалда бўлган қарорга мувофиқ тўлайди.

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar

ЯНГИ ТАШКИЛОТ ИШ БОШЛАДИ

8 июлдан Африка давлатларининг янги ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан Жанубий Африка Республикасининг (ЖАР) Дурбан шаҳрида Африка бирдамлиги ташкилотининг сўнги якуний саммити бўлиб ўтди. У ўз ўрнини янги ташкилот - Африка Иттифоқига (АИ) бўшатиб беради. Янги ташкилотнинг таъсис йиғилиши эса 9-19 июл кунлари бўлиб ўтади.

ОИТС ПАЙНИ ҚИРҚМОҚ УЧУН

Испаниянинг Барселона шаҳрида ОИТС касаллигига қарши курашга бағишланган халқаро конференция бошланди. Қарийб бир hafta давом этадиган анжуман БМТ шафеълигида ўтмоқда. Тадбирда халқаро ҳамжамиятнинг аср вабоси билан курашда ривожланаётган мамлакатларга ёрдами янада кучайтириши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Конференция ташкилотчилари касаллик кўпайишининг олдини олиш учун ишлаб чиқилган саккиз босқичли янги дастурни тақдим этди. Олимларнинг сўнги тадқиқотлари натижаларига қараганда, ОИТС вирусини юқтираётганлар сони йилига тахминан тўрт миллионга кўпаймоқда. Бунга қарши самарали курашилмас экан, мазкур кўрсаткич 2007 йилга бориб 5 миллионга етади. Аксинча, чора кўрилса, бу миқдор 1,5 миллионгача қисқариши мумкин.

УЗОҚ ШАРҚДАГИ ЯҚИН ҲАМКОРЛИК

Жанубий Корея ва Япония ҳукуматлари янги эркин савдо минтақасини барпо этиш бўйича музокара бошлади. Икки қўшни давлат ана шу йўл билан иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида.

Яратилажак ушбу иқтисодий ҳудуд билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун икки мамлакат иқтисодчилари ва ҳукумати вакиллари Сеулга йиғилишди.

Маълум бўлишича, янги ҳудуднинг ялпи ички маҳсулоти беш триллион АҚШ долларига тенг бўлади. Савдо жараёнида икки томондан жами 170 миллион киши иштирок этиши кўтилмоқда.

Тўрт вазир Истеъфо берди

Май ойи бошидан буён касал ётган Туркия бош вазири Бюлент Эжевитнинг бетоблиги у раҳбарлик қилаётган ҳукумат аъзоларига ёмон таъсир қилган кўринади. Шу hafta бошида Туркия ҳукуматининг бирваракайига тўрт вазири истеъфо беришини маълум қилди. Лавозимдан кетаётганлар орасида бош вазирнинг уринбосари, «ўнг қўли» ҳисобланган Ҳисомиддин Ўзқон бўлса, яна бири маданият вазири Истемихон Талай. Қолган икки амалдор ҳам Б.Э. жевит раҳбарлик қилаётган Социал-демократик партия аъзоларидир.

Шарҳловчи минбари

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НУФУЗЛИ "СОЯСИ"

Сиёсий сахнада катта ютуқларга эришган эркакларнинг рафиқалари қандай ҳаёт кечирishi кўпчиликка яхши маълум.

Аксарият ҳолларда бундай аёллар сиёсатдан йироқ юриб, асосий эътиборни фарзандларининг тарбиясига қаратади ёки қандайдир бошқа бир энгилроқ иш билан шуғулланади. Лекин сиёсат билан фақатгина эркаклар шуғулланмайди-ку. Бу соҳада юқори чўққиларни забт этган аёллар ҳам талайгина. Уларнинг жуфти ҳалоллари нелар билан машғул?

Дунёнинг энг йирик давлатларидан бири ҳисобланувчи Индонезия мана, бир неча йилки, аёл киши раҳбарлигида ҳаёт кечирмоқда. Бу вақт мобайнида оламшумул ўзгаришлар юз бермаган бўлса-да, ҳар ҳолда вазият бироз барқарорлашди, иқтисодиёт оёққа тура бошлади. Мамлакат президенти Мегавати Сукарнопутри халқ орасида қозонган ишончини секин-аста мустаҳкамлаб бормоқда. Бу эса ўз ўзидан президентнинг "ишонган боғи, суянган тоғи" бўлмиш эри Тавфик Кимаснинг обрў-эътибори янада ошди, деганидир.

Агар ҳозир Индонезияга бориб, мамлакатингиз раҳбари ким, деб сўрасангиз, аксарият одамлар Мегавати Сукарнопутри билан бирга, унинг турмуш ўртоғини ҳам айтади. Негаки,

ҳозирги президент билан қарийб ўттиз йилдан буён бирга яшаб келаётган Т.Кимас ўз рафиқасининг сиёсат сахнасида келишида ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Айни пайтда эса у Индонезия президентининг "сояси" остида бўлса-да, баъзи гап-сўзларга қараганда, мамлакатдаги бирор муҳим қарор унинг розилигисиз қабул қилинмайди, дейилади АҚШда чоп этилувчи "Тайм" haftaномасида эълон қилинган мақолада.


Президентлик курсисига ўтирган кундан бошлаб Индонезия раҳбари мамлакатда коррупцияга қарши жиддий кураш бошлашини эълон қилди ва бу йўлда анчагина муваффақият қозонди. Бироқ охири пайтда президентнинг турмуш ўртоғи давлат ишларига аралашаётгани тўғрисидаги гап-сўзлар мамлакатдаги нуфузли ташкилотлар ва арбоблар орасида турлича мулоҳазалар келтириб чиқара бошлади.

Турмуш ўртоғининг тобора очилиб бораётган иштаҳаси бироз бўғиб қўйилмаса, вазият издан чиқишини тушунган Мегавати хоним яқиндан буён унинг талабларини чеклай бошлади. Бунга ҳукуматдаги жуда муҳим лавозимлардан бирига Т.Кимас томонидан тавсия қилинган одам эмас, балки президентнинг сафдоши тайинлангани яққол мисол бўла олади.

"Тайм" журналининг ёзишича, ҳатто Т.Кимаснинг энг яқин дўстлари ҳам унинг кўнглида қандай режалар борлигини билмайди. Устига устак, президентнинг турмуш ўртоғи кўп ҳолларда атрофдагиларга ўзининг қандай катта таъсир доирасига эга эканини кўрсатиш учун ҳар қандай ақл бовар қилмас ишга қўл уришдан ҳам тоймайди. Лекин шу билан бирга унинг жуда ақли ва тиришқоқ инсон эканлигига ҳам кўпчилик тан беради.

Америкалик журналистлар билан бўлган суҳбати давомида Т.Кимас баъзи ҳолларда зиддиятли масалаларни ҳал қилишда сиёсий воситачи сифатида хизмат қилишини айтди. Ўз обрўси орқали бойлик орттираётгани ҳақидаги гап-сўзларни эса бутунлай рад этди.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси.



Қуддус.

СОЧМИСАН СОЧ!


Таиландликлар фикрига кўра, узун соч эгасининг донишманд эканлигидан далолат берармиш. Шунинг учун ҳам, бу мамлакатда сочни иложи борича узун ўстиришга интилувчилар кўп. Бу соҳада, айниқса, Чанг Май вилояти машҳур. Бу ерда яшовчи эркаклар узун сочларини кўз-кўз қилиб юрадilar. Хусусан, шу ерлик деҳқон Ту Нианг 49 йил давомида сочларини олти мертгача етказишга муваффақ бўлган. АҚШлик бир бойвачча бу деҳқонга сочларини 49 минг долларга сотишни таклиф қилди. Лекин, у бунга кўнмади, деб ёзади Хитойда нашр этиладиган «Чайна геральд» газетаси.



ОЛАМ ГЎЗАЛЛАРИ

Венесуэла қизлари сўнги 20 йилда уюштирилган 10та халқаро гўзаллар танловида голиб бўлдилар. Чунончи, сўнги 18 нафар «Олам гўзали»нинг тўрттаси шу мамлакат вакиллари бўлишди.

Венесуэлада ҳатто қизлар ва ёш аёлларни гўзаллар танловига тайёрловчи махсус мактаблар ҳам бор. Гўзаллар бу ерда ҳар куни 16 соатгача махсус машғулотлар билан банд бўладilar. Спорт билан шуғулланадилар, энг қалтис танлов саволларига жавоб беришни ўрганадилар. Зарурат туғилса, уларни пластик операция қиладilar. Ўқиш ярим йил давом этади ва 60 минг долларга тушади. Олам гўзали унвонига даъвогарлик қилишни истовчилар Бразилия, Боливия, Колумбия ва бошқа мамлакатлардан ҳам бу ерга келишмоқда.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

САРГУЗАШТ... ЕЙСИЗМИ?

Япониядаги нашриётларнинг бири саргузашт бадий асарларни ширин гуруч хамиридан ёпилган жуда юпқа қоғозларда босиб чиқара бошлади. Хамирга хушбўй таъм ҳам берилди.

Саргузашт асарлар юпқа рисолалар (5-8 варақ) шаклида нашр этилади ва албатта, давомли бўлади. Одатдаги босмаҳона бўёғи ўрнига нордон-ширин таъмли махсус озиқ-овқат аралашмаси ишлатилади. Унинг таркиби сир сақланапти. «Ейиладиган адабиёт»нинг салкам 80 минг нусхали биринчи туркуми бир соатдан сал ортиқроқ вақт ичида сотиб бўлинди. Эндиликда «ширин саргузаштлар» ўқувчилари нашрни давом эттириш, нусхасини кўпайтиришни талаб қилмоқдалар. Японияда нашр этиладиган «Жапан таймс» газетаси шу ҳақда ёзади.



Турфа олам

Турфа олам

Қадим замонда Сарондип оролида ўзининг мулоимлиги билан машҳур бўлган бир подшоҳ ҳукм сурарди. Баъзан но-бакор кишилар унинг ишончи, лутфорлигини суистеъмол қилардилар. Подшоҳ кимни ха-зиначи этиб тайин қилса, бир неча вақтдан кейин унинг хиё-нати юзага чиқарди. Шу туфай-ли подшоҳ хазинадорликка номусли, пок виждонли бир одам тополмай, қайгуланиб юрарди.

Кунлардан бир кун эронлик сайёх, кўпни кўрган, дониш-манд киши Са-рондипга ке-либ қолди, бир неча вақт под-шоҳнинг азиз меҳ-мони бўлди. Бир кун подшоҳ до-нишманд бил-ан суҳбатла-шиб ўтирган вақтида юрагида-ги дардини изҳор қилди:

– Эй, азиз меҳмоним, сиз жуда кўп жойларни кезганингиз натижасида одамларнинг табиатлари, хулқ-атворлари билан жуда яхши танишгансиз, албатта. Хазинадорликка муно-сиб бир одамни топишда соғ-лом усулни биласиз, деб ишо-наман.

Донишманд жуда чуқур хаёлга ботиб, деди:

– Шундай одамни топиш жуда осон. Бир кунни тайин қилиб, хазиначи бўлишни орзу қилганларни саройингизга тўпласинлар, уларни биттадан чақириб, чолғу оҳанги остида рақс эттиринг, ким чаққонлик

билан рақс эта олса, ана ўшани хазиначи этиб тайин қилинг.

– Сиз кулгили бир латифа сўзлаясиз, деган гумондаман. Чаққонлик билан рақс тушган одам энг номусли, моҳир хази-начи бўла олади, деб даъво қилиш тўғри бўлмаса керак, – деди подшоҳ хайрон бўлиб.

Донишманд шундай жавоб берди:

– Ишонинг, хази-начи тайин қилиш учун бундан ҳам яхшироқ бир им-тиҳон усули йўқдир.

Тайин қилинган кунда хазиначи бўлишни истаган-ларнинг ҳаммаси кутиш хонасига



ИМТИҲОН

тўпландилар. Улар олтмиш тўрт киши эдилар. Тартиб куйидагича бўлди: кутиш хонасида ўтирган-лар навбат билан олтин уёқлар турган иккинчи хонада бир мун-дат ёлғиз қолдирилдилар, шундан кейин подшоҳ хузурига киритил-дилар. Подшоҳ унга мусиқага рақс этишни буюрарди. Рақсдан кейин бошқа хонада натижани кутиб ўти-ришини айтдилар. Шу тарзда олтмиш тўрт кишининг ҳаммаси рақс имтиҳонидан ўтди.

Хазиначи бўлишни истаган олтмиш тўрт кишидан олтмиш учтаси жуда ёмон рақс тушдилар, рақс тушаётганларида эркин ҳаракатланмай, қўлларини ёзмай, кўзларини жовдиратиб, довди-рардилар. Подшоҳ ёнида ўтирган

ИБРАТНОМА

донишманд буларнинг рақсла-рини кўриб: «Ҳа, ярамас ўғри-лар», деб истеҳзоли кулиб кўярди.

Уларнинг ичидан биттаси яъни олтмиш тўртинчи номзод жуда чаққонлик ва эркинлик билан рақс этди. Тажриба та-мом бўлганидан кейин подшоҳ бу чаққон ўйнаган одамни кучоқлаб табриклади, уни ха-зиначи этиб тайинлаганини эълон қилди. Донишманд ҳам уни янги мансаб билан мубо-ракбод этди. Ёмон ўйнаган ол-тмиш уч «раққос» эса ўғрили-да айбланиб жазо маҳкамаси-га айбатилдилар.

Хўш, бунинг сабаби нима? Сабаби: кутиш хонасидан ча-қирилиб, ол-тин умуш, лаълу ёқут каби қиммат-ли тошлар кўйилган хо-нада бир оз кутиш бую-рилганда номзодлар чўнтаклар-ини қимматли тошлару олтин билан тўлдириб олгандилар. Рақс вақтида қилган ўғрили-лари биланиб қолишидан кўрқиб, қўллари билан чўнтак-ларини босиб, секин ўйнаган-дилар. Фақат чаққон ўйнаган кишигина қимматли тошлардан биттасини ҳам олмаганди. Шу-нинг учун ҳам унинг ҳаракат-лари эркин ва қушдек энгил эди.

Хиёнат, ўғрилиқ кўчасидан ўтмаган пок, соф қалбли одам ҳалқнинг ишончини қозонади, иззат-ҳурматиға сазовор бўла-ди.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Bolalik bog'i

ARIVOV

*Arivoy, hoy, arivoy,
Odob-hulqdan narivoy.
Atrofimda aylanib,
O'zing qilasan hazil.
Hazil qilib haydasam
Chaqvolasan, beaql.*

Sobir OLIMJON.

МАЙДОНДА МАҲАЛЛА ФУТБОЛЧИЛАРИ

Юртимиз бўйлаб бош-ланган маҳаллалар ўрта-сида футбол мусобақала-ри вилоятимиз қишлоқ ва овуллари, шаҳарчалари-да ҳам қизгин баҳсларга айланиб кетди.

Оҳангарон шаҳрининг маҳал-ларарида бу мусобақалар уюш-қоқлик билан ўтмоқда.

Ўн кун ичида шаҳарнинг мав-жуд 20 та маҳалласида мусо-бақаларни яқунлаш режалашти-рилган.

Дастлабки ўйинларда «Янги-обод», «Бахт», «Охунбобоев», «Навбахор» маҳаллалари ёш футболчилари голибликни қўлга киритдилар. Кейинги бос-қичларда ушбу жамоалар ўза-ро куч синашадилар.

Ўз мухбиримиз.

Бекажон

«БАНАН» ПЕЧЕНЬЕСИ

300 г. юмшатирилган мар-гарин, 1 дона тухум сариғи, 5 ош қошиқ сметана солиб, хамир қорилади, ёнғоқдек катталиқда зувалачаларга бўлинади. Ҳар бир зувала-ни ёйиб, ичига бир чой қошиқдан, 1 дона тухум оқи 1 стакан шакар билан кўпчилик тайёрланган ара-лашма солинади. Тайёр бўлган аралашма солинган хамир рулет шаклида ёнла-рини ичига қайтариб ўраб, банан кўринишидаги пече-ньелар тугилади. Қиздирил-ган духовкада пиширилиб, иссиқлигида қанд упаси се-пилади.

АПЕЛЬСИНЛИ ПИРОГ

250 г. маргарин ёки са-риёғни 2 дона тухум ва 2 дона тухум сариғи, 200 г. шакар, 1/4 чой қошиқ туз, 2 стакан ун солиб, юмшоқ хамир қилинади. У 2 см. қалинликда ёйиб, қиздирил-ган духовка патнисига кўйиб, 10-15 дақиқа даво-мида пиширилади. Сўнгра устига пўстлоғи билан қир-ғичдан ўтказилган 3 дона апельсин 1,5 стакан шакар билан аралаштирилиб ёйи-лади. 20 дақиқа давомида қуёлғунича пиширилган аралашмани суртиб, яна 20 дақиқа давомида духовкага кўйилади. Тайёр пирог май-да бўлакчаларга қирқилиб, дастурхонга тортилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА, қандолатчи.

СОВГАЛАР ЭГАЛАРИНИ КУТАДИ

Тарадду

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари мароқли ўтмоқда. Лекин бу мураббийлар ҳам хотиржам дам олишгапти дегани эмас. Шу кун-ларда қайси зиё масканига борманг, янги ўқув йилига қизгин хозирлик кўрилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Акмал Икромов номи билан аталадиган 45-мактаб Зангиота ту-манида намунали билим муассасаларидан саналади. Бу ерда мингдан зиёд ўқувчи таълим олади. Уларга 78 нафар малакали, касбини пухта эгаллаган устоз сабоқ беради, ўғил-қизларда фанга қизиқиш уйғотишга интилади. Дарвоқе, ушбу илм масканининг бошқаларидан ажралиб турадиган жойи шундаки, унда ёшлар иқтисод йўналиши бўйича махсус ўқитилади.

– Янги ўқув йили олди тайёргарлигини ниҳоясига етказяпмиз, – дейди мактаб директори Фотима Шерматова. – Ўқув хоналари, спорт зали тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу йил биринчи синфга келадиган 80 нафар болажонга Президентимиз номидан топши-риладиган совға-саломларни тахт қилиб кўйдик. Хуллас, янги ўқув йилининг биринчи кунини тантанали ўтказишимизга ҳамма шаро-ит яратилган.

Акбар АЛЛАМУРОДОВ.

СУРАТДА: мактаб директори (ўнда) Фотима Шерматова ва кутуб-хоначи Маъмура Икромов ва ўқувчиларни янги дарсликлар билан таъмин-лаш хусусида суҳбатлашишяпти.

Энг! Энг! Энг!

- Бу дунёда энг новча аёл Энг Жинлиан бўлган. 1962 йил 13 февраль кўни – вафоти пай-ти бўйининг баландлиги 247 сантиметр эди. Қўл кафтининг узунлиги 15,5, оёқ панжасининг узунлиги 35,5 сантиметр бўлган.
- Нидерландияда энг пакана аёл ўтган. Паулина Мустернинг бўйи 59 сантиметр эди.
- АКШнинг Мэриленд шаҳри-да яшаган негр аёли Фрола Мэй Жексон 381 кило тош босган.
- XIX асрнинг иккинчи яри-мида Мексикада яшаган Лючия Зарате 17 ёшида 2,125 кило оғирликда бўлган. 20 ёшга ет-ганда бироз «семириб», вазни 5,9 килога етган.

Ўзбекистон Бадий ака-демиясининг Марказий кўргазмалар залида бир йўла иккита кўргазма очил-ди. Улардан бири «Рубега чиққан истаklar тасвири те-атри» деб номланади.

Ушбу кўргазма рассом, бола-лар ва мумтоз адабиёт намуна-ларини безаш устаси Виктор Алухтин томонидан ўйлаб топил-ди ва амалга оширилди. Кўргаз-манинг аҳамиятли томони шун-даки, расмлар коллекциясини ташкил этган 150 та рассомлик ва графика ишлари Алухтин бил-ан учрашувгача профессионал ҳамда бадий тахрибага эга бўлмаган кишилар томонидан яратилган. Тажрибасиз рассом-лар билан ишлаган мўйқалам устасининг мақсади – «Яратиш – ўзини кўрсатиш демакдир» деган

Ўзига хос кўргазмалар

фикрни расмлар билан исботлаш эди.

Алухтин улар олдиға тасвирий санъат воситалари орқали «Рух дизайни» дастури томонидан так-лиф этилган аниқ алгоритм бўйи-ча ўзларининг кўнглидаги энг эзгу тилаklarини тасвирлаш вазифа-сини кўйди. Бунда Алухтиннинг вазифаси яратиш истагини бил-дирган ҳар бир кишини тасвирий санъатнинг ўзига хос услуби, яъни кўз билан кўриладиган бел-гилар, рамзлар, сиймолар, имо-ишора ва нутқ оҳанги услуби билан таништиришдан иборат эди.

Рассом Ольга Николаеванинг

«OLGA» деб номланган иккинчи кўргазмаси моҳиятини тузилма-вий бионика ташкил этади. Бу жонли табиатни англашнинг ўзи-ға хос йўли, унинг ички тузили-ши, ирсиятини аниқлашдир. Оль-ға ижод асосида англаш ва ту-шунишнинг интеграл услуби ётган янгича дунёқарашли рас-сом-дизайнер. У ўз ижодида санъат, фан, фалсафа, афсона-лар, инженерия ва дизайнни бирлаштирган рассомдир.

Кўргазмада рассомнинг изог-рафия, графика, рассомлик, ди-зайн каби йўналишлардаги асар-лари намойиш этилган.

ЎЗА.

Ташкент ҳақиқати **Муассис Ташкент вилояти ҳокимлиги** **Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ** **Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Ўзлонлар: 133-76-16, 136-53-80. **Манзилимиз:** 700000, Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. **Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.** Газета «Ташкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва соҳифеланди. • Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда де-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.